



XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI KENGASHI QARORI

2020 yil " 28 " декабрь № VI-XXIV/123

Вилоят худудида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар (тарифлар) миқдорини маъқуллаш ҳақида

Тарихий-شاҳарсозлик муҳити ва туманлар (шаҳарлар)нинг мавжуд бинолари меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, реклама конструкцияларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишни тартибга солишни назорат қилиш, ташқи реклама соҳасининг барча иштирокчилари учун teng ҳуқукларни таъминлайдиган тамойиллар ва шартларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги 104-сонли қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги 104-сонли қарорига асосан Фарғона вилоятида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар миқдорларини маъқуллаш ва бу борада депутатлик назоратини олиб бориш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгashi

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ти 104-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан йиғим тарифлари йилига кўпи билан бир марта Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят худудий бошқармасининг 2020 йил 28 ноябрдаги вилоят худудларида

ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдорини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқиш ва маъқуллаш бўйича кенгаш қарорини қабул қилинишини сўраб ёзган 01-09/2313-сонли алоқа хати инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг вилоят ҳудудларида ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдори юзасидан тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг вилоят ҳудудларида ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдори таклифи юзасидан 2020 йил 25 ноябрдаги 01-09/2269-сонли хulosса хати;

Вилоят Молия бош бошқармасининг вилоят ҳудудларида ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдори таклифи юзасидан 2020 йил 9 декабрдаги IS6815261034 - сонли хulosса хати инобатга олинсин.

6. Вилоят ҳудудларида ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдори маъқуллансан ва иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Барча туман (шаҳар) ҳокимликлари:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкаларини ҳамда давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ҳудудларни ўрганишни;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкасидан фойдаланиш хукуқини, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга реклама объектларини жойлаштириш хукуқини белгилайдиган хужжатлар тайёрланишини;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилишни ва уларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлашни;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан ижтимой рекламалар ҳисобини юритишни;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар-жой биноларининг ташқи қисмида (балкон, лоджия, дераза, эшик ва бошқа тарафига) ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўришни;

ушбу соҳада аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига таклифлар киритишни таъминласинлар.

8. Вилоят Адлия бошқармаси (Б.Хасанов), молия бош бошқармаси (В.Назаров), вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев), Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Холматов) мазкур Кенгаш қарори билан тасдиқланган ташқи реклама объектлари учун йифимлар (тарифлар) миқдорини ўрнатилган

тартибда қўллаб борилиши юзасидан белгиланган тартибда назорат тадбирларини олиб борсин.

9. Вилоят худудларида ташки реклама объектлари учун йиғимлар (тарифлар) миқдорини ўрнатилган тартибда қўллаб борилаётганлиги юзазидан мониторинг ўрганишлар олиб бориш, маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссия йигилишлари ва Кенгаш сессияларида мунтазам муҳокама қилиб бориш, муаммо ва таклифлар юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар белгилаш ҳамда маҳаллий Кенгаш сессияларида масъулларнинг ахборотларини тинглаб бориш тавсия этилади.

10. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати, Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси билан биргаликда вилоят телерадиокомпанияси ҳамда вилоятдаги бошқа нодавлат теле- ва радиоканалларда, ҳокимлик муассислигидаги газеталарда ташки реклама объектлари учун йиғимлар (тарифлар) миқдорини оммавий ахборот воситалари орқали ахолига етказиш тавсия этилсин.

11. Мазкур Кенгаш қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ҳўжалиги масалалари ва ахолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (З.Зохидов) ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжиахмедовлар зуммасига юклансин.

Сессия раиси



Р.Камалов

Халқ депутатлари вилоят
кенгашининг 2020 йил __ декабрдаги
_____ - сонли қарорига илова

**Фарғона вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари)га
ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғимлар
МИҚДОРИ**

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Бир ойга (сўм)
I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар			
1.1	кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача)	1 кв.м	5 000
1.2	ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача)	1 кв.м	5 000
1.3	катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача)	1 кв.м	5 000
1.4	ўта катта форматдаги (18 кв.м.дан ортиқ)	1 кв.м	5 000
1.5	0,3 x 0,3 метрдан катта ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	15 000
1.6	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	1 кв.м	5 000
1.7	реклама модулларига эга кўрсаткичлар	1 кв.м	5 000
1.8	умумий майдони 3 кв.м.дан ортиқ афиша деворлар	1 кв.м	5 000
II. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари			
2.1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.2	биноларнинг том қисмларидағи конструкциялар — меъморий шакл (ҳайкаллар)	1 кв.м	5 000
2.3	майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.4	павильонлардаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.5	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиқлар	1 кв.м	5 000
2.6	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.7	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргакларида ўрнатилган конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.8	маркизлар	1 кв.м	5 000
2.9	проекцияли узатма	1 кв.м	15 000
2.10	консоль панеллар	1 кв.м	15 000
2.11	имиджли реклама ва ахборот қурилмалари	1 кв.м	15 000
2.12	реклама блоклари	1 кв.м	5 000
2.13	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	15 000
2.14	том усти ёруғли реклама конструкциялари	1 кв.м	15 000
III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)			
3.1	курилиш майдончаларидағи 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	1 кв.м	5 000

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Бир ойга (сўм)
3.2	2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	1 кв.м	5 000
3.3	вақтинча турдаги киосклар ва павилонлардаги реклама	1 кв.м	5 000
3.4	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноплар, байроқлар, осма байроқлар, елканли байроқлардаги реклама	1 кв.м	5 000
3.5	ностандарт шаклдаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
3.6	промоқурилмалар	1 кв.м	5 000
3.7	алоҳида турувчи ёруғли кронштейнлар		15 000

IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)

4.1	50 кв.м.гача	1 кв.м	50 000
4.2	51 кв.м.дан 150 кв.м.гача	1 кв.м	30 000
4.3	151 кв.м.дан 300 кв.м.гача	1 кв.м	20 000
4.4	300 кв.м.дан ортиқ	1 кв.м	10 000

Изоҳ: ушбу тариф суммалари шаҳар, туман худудий зоналари коэффициентларига нисбатан қўлланилади. Фарғона шаҳар 1-зона: 2,4; 2-зона 2,2; 3-зона 2,0; Кўқон шаҳри 1-зона: 2,2; 2-зона 2,0; 3-зона 1,8; Марғилон шаҳри 1-зона: 2,0; 2-зона 1,8; 3-зона 1,6; бошқа шаҳар ва туманлар – 1,6;